

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“САЊАТШУНОСЛИК ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ
“КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САЊАТИ” ФАКУЛЬТЕТИ
“САЊАТШУНОСЛИК-ЖУРНАЛИСТИКАСИ” БЎЛИМИ

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: “Абдулла Қодирий моҳир фелъетоннавис”

ҚАБУЛ ҚИЛДИ: Сагдуллаев К.
БАЖАРДИ: Матёқубов А.

ТОШКЕНТ 2012

Абдулла Қодирий моҳир фелъетоннавис

Адабиёт олами кенгдир. Ундаги турфа манзиллар ҳам кўп. Шунга кўра баъзи ижодкорлар назмий саройга ташриф буюрсалар, баъзилари насрий қошонадан жой эгаллайди. Бироқ шундайлар борки, улар учун ҳар иккала маскан ҳам бирдек қадрдон.

Миллатимиз маънавий хазинасини “Ўткан кунлар”у “Меҳробдан чаён” каби бебаҳо асарлар билан бойитган, ўзбек тарихий романчилигининг асосчиси дея таърифланган Абдулла Қодирий ана шундай серқирра ижодкорлардан. Хусусан, ўтган асрнинг 20-30-йиллари адиб томонидан яратилган қатор фелъетонлар, ўз даврининг муаммоли жиҳатларини ёритиш билан бирга, мазкур жанрнинг кейинги ривожда муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий ҳаёт масалаларини ижтимоий кулгу асосида ёритадиган ва ижтимоий танқид учун хизмат қиладиган фелъетонлар ҳажвий публицистиканинг алоҳида жанри ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ҳолда ўзида акс эттириши, мазкур соҳаларда учрайдиган камчилик, нуқсон, ижтимоий иллатларни фош этиш, танқид қилиш орқали улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш ва оқибат натижада бу камчилик ва нуқсонларнинг тугатилишига эришиш ва бу билан жамият ҳаётининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишдан иборатдир*

Ушбу мезонлар Абдулла Қодирий фелъетонларида тўлақонли равишда акс этган. Буни бир қатор мисоллар билан тасдиқлаш мумкин.

1917-йил 21-март “Нажот” газетасининг 2-сонида чоп этилган “Шодмарг” фелъетони шулардан биридир. Унинг кириш қисми Мулла Карим Ҳожи исмли 70 ёшар кишининг ёшлик чоғлари кўп азоблар чеккани ҳақидаги таъриф билан бошланади. Шу ўринда муаллиф бевосита ўқувчига мурожаат қилади. Яъни унга “Мулла Карим Ҳожи жуда камбағал бўлган экан, шунинг учун фақирлик азобини, очлик жафосини тортғандир, деб ўйларсиз” тарзида савол бериб, аста-секинлик билан жавобга ўтади. Бундай ёндашув воқеа охирига қадар давом этган.

Абдулла Қодирий бу инсоннинг адолатсиз кишиларни “Золим”, “Золим ёрдамчилари” дея ҳақоратлагани учун ўн беш йилга сургун қилингани, жазони ўтаб келиб ҳам назорат остида юрганлиги ва ниҳоят, ўғлининг “Хуррият” тўғрисидаги хабаридан шодмарг, яъни шодлик кайфиятидан ўлганини изчиллик билан тасвирлайди. Мазкур фельетонда ҳақиқат очик ошкор этилган. Аммо бу ҳақда муаллиф ўзи гапирмайди. Балки қаҳрамони билан кечган бахтсизликлар орқали пора бериб қози бўлаётган, зулм шамширларини яланғочлаган золимлар кирдикорларини очиб ташлайди. Айни пайтда Ҳожи каби ростгўй инсонларнинг ожизлигини, жон куйдуришлари эвазига яхшигина “мукофот” билан сийланишларини ҳам ўқувчига етказди. Хусусан, қамокдан қайтган Ҳожининг четдан турибгина “ҳукумат зулмига, мусулмонларнинг эзилганларига, шу золим ҳукумат иш бошида турар бўлса тез вақтларда мусулмонларнинг инқирозга юз тутувларина чин-чиндан ачиниб, куйиниб золимлар ҳақиқа дуойи бадлар ила кифоялангани” шундан далолат. Эрк ва хурриятга қанчалик ташна эканликлари эса Ҳожининг бу ҳақда эшитиши биланок жон бераёзгани орқали тасвирланади.

“Иштирокиюн” саҳифаларининг 1920-йил 8-майдаги 91-сонидан жой эгаллаган “Нега ким” сарлавҳали фельетони ҳам юрт бошига тушган истибдод оқибатлари тўғрисида. Муаллиф ушбу фельетонни шоир ва носир Элбекка бағишлаган. Унда, нима учун Элбек ижодида “нега ким” жумласининг кўп такрорланиш сабаблари ёритилган. Бунда муаллифнинг ўзи ҳам худди шу “негакимлар”дан фойдаланади.

Савол-жавоб тарзида фикр билдиради. “Иштирокиюн” газетаси нега бир кун чиқуб, бир кун чиқмай оқсай бошлади? саволига, “Негаким, ҳарф терувчи хизматчиларни ҳукумат ортиқча тўйдуруб, қорун солдирғани учун” дея жавоб бериб, кейинги масалага ўтилади. Бир қарашда оддий мулоҳазалар йиғиндисидай кўринувчи мазкур фельетон моҳияти, сўнгги фикрларда ойдинлашади. Яъни муаллиф ўзига мурожаат қилиб, “Нега сўзингни шу ерда тўхтатмоқчи бўласан?” дейди ва айни пайтда, унга ўзи жавоб қайтаради. “Негаким, бундан ортиқни замон кўтармагани учун”. Кўринадики, Абдулла Қодирий Элбек ижодига тўхталгани ҳолда, асосий эътиборни қарамлик натижаси ўлароқ “тил қисқлиги”га қаратган.

Муаллифнинг 1922-йил 17-сентябр “Туркистон” газетасида чоп этилган “Лайли ва Мажнун” фельетонида эса маориф соҳаси ҳажв остига олинади. Аввало, “куни бўйи тириклик орқасида юруб зериккан халқ”нинг кечга томон “Лайли ва Мажнун” спектаклига кела бошлагани ҳақида сўзланади. Томоша бошланиши учун эса ташқарида юришган “ўзимизнинг” Лайли Мажнунлар келиши даркор. Аммо ёзувчи мавзу йўналишини тамоман бошқа тарафга буради. Жимгина ўтирган самарқандлик йигитнинг бирдан “ох” чека бошлаганига урғу беради. Аслида у йигит “Самарқанддан маориф ишлари тўғрисида вакил бўлиб келган”. Шу иши ёдига тушиб, Тошкентлик маориф ишчиларини тополмай сарсон юрганлигидан нолийди. Муаллиф “Бизнинг Тошкентда маориф деган нарсанинг тарихга топширилганига энди кўп вақт бўлди... Агар Тошканд маорифи билан кўришмакчи бўлсангиз миллий музейимизга марҳамат қилингиз ” тарзидаги аччиқ киноя билан уни юпатади. Зеро шу мисол орқали маориф соҳасининг оқсаганлигини пайқаш қийин эмас.

Қодирий фельетонларининг мавзуси шулар билан чегараланиб қолмаган. “Бозор суриштирмайдир”, “Думбаси тушиб қолган эмиш”, “Мочалов” каби қатор фельетонларида маиший мавзулар, ундаги халқ турмуши билан боғлиқ жиҳатлар кўрсатиб ўтилган. Умуман, қайси бир мавзуда бўлмасин, улар замирида истибдод зулмга қарши кураш, ноҳақ кишиларни фош этиш, маърифат учқунларини тарғиб қилиш ғоялари мужассамлашган.

Қодирий фельетонларини ўқиш давомида, улардаги ўзига хос услубни пайқаш мумкин. Бу, аввало, муаллифнинг фельетон мазмун-моҳиятини очиб берувчи номлар танлай билишида кўринади. Хусусан юқорида номлари келтирилган фельетонлар шунга мисолдир. Бунда нима учун айнан шу сарлавҳалар танлангани фельетоннинг охирида аён бўлиб, аслида унга катта маъно юкланганлиги равшанлашади. Шунингдек, “кичик фельетонлар” изоҳи билан чоп этилган аксарият асарларининг бир саҳифадан ошмаганлиги ҳам Қодирий маҳоратидир. Зеро сермаъно фикрларни ярим бетга сингдира олиш ва улар орқали улкан ташвиқот ишларини олиб бориш ижодкордан юксак истеъдод ва тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Фельетоннинг ёзилиш услуби жиҳатдан келиб чиқиб Абдулла Қодирий фельетонларини ҳам маълум турларга ажратиш мумкин. Унинг “Ҳой, худой урғонлар”, “Ҳой, ер юткур” каби фельетонлари ҳикоя-фельетон шаклида ёзилган бўлса, “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр” фельетони публицистик-фельетон, “Йиғинди гаплар”и фельетон-шарҳ услубида, “Калвак махзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейдир?” сингари фельетонлари туркум фельетонлар шаклида яратилган**

Қодирийнинг 20-30-йиллари яратган фельетонлари Абдулла Қахҳор, Ғафур Ғулом, Худойберди Тўхтабоев каби ижодкорлар изланишлари билан ривож топди. Айтиш жоизки, бу жанрнинг бугунги кунга қадар давом этиб келаётгани, албатта, Қодирий яратган фельетоннавислик анъаналари билан бевосита боғлиқдир. Аммо ҳозирда бу жанр намуналарининг фақатгина маълум бир нашрлар доираси билан чегараланиб қолаётганлиги ҳамда фельетон ёзувчиларининг камнамолиги ушбу жанр “оммабоп”лигини сусайтирмоқда. Ваҳоланки ҳар бир даврнинг ўзига яраша муаммоли жиҳатлари бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шунга кўра, Қодирий ижодидаги фельетонларни тадқиқ этиш ва улар асосида бугунги кун камчиликларига қарши курашиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро нафақат ажойиб романлар муаллифи, балки моҳир фельетоннавис ҳисобланмиш Абдулла Қодирий ижодидан ҳар қанча ибрат ва ўрнатки олинка оздир.

Изоҳлар:

*Мухтор Худойкулов. “Журналистика ва публицистика”. Тошкент, “Университет” 2008.
206-207-бетлар

**Юқоридаги китобдан. 208-209-бетлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухтор Худойкулов. “Журналистика ва публицистика”. Тошкент, “Университет” 2008
2. Абдулла Қодирий. “Диёри бакр”. Тошкент, “Янги аср авлоди” 2009
3. Абдулла Қодирий. “Ғирвонлик маллавои”. Тошкент, “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти” 1987
4. Абдулла Қодирий. “Тошпўлат тажанг нима дейди?”. Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти” 1993
5. Сафо Матчонов, Шарафжон Сариев. “Адабиёт”. Тошкент, “Юрист-Медия Маркази” 2010